O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 20-noyabr • Payshanba • 137 (27.942) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан.

✓ Истиқлол имкониятлари

ТАНИШИНГ: ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Тошкентда «Roison-Candy» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси иш бошлади

Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда мамлакатимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар кўплаб чет эл фирма ва компанияларининг Ўзбекистон бозорида ўз ўрнини кенгайтиришга қизиқишини кучайтираётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилишда хориж сармоясини кенг жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз иқтисодиётида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш учун мустаҳкам замин ҳозирламоқда.

«Roison-Candy» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси Ўзбекистоннинг «Roison Electronics» масъулияти чекланган жамияти ҳамда Италиянинг «Candy Group» трансмиллий компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Янги қўшма корхона илғор технологиялар асосида турли хил ва ҳажмдаги маиший техника, хусусан, музлаткичлар ва кир ювиш машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

1945 йилда фаолиятини бошлаган «Candy Group» мингдан зиёд русумдаги маиший техника ишлаб чиқаради. Компаниянинг маҳсулотлари юздан ортиқ давлатга экспорт қилинади.

— Италия бизнес оламида ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш катта, — дейди «Candy Group» тижорат ишлари бўйича директори Массимилиано Марколини. — Бунда Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай муҳит муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорликда сифати жиҳатидан халқаро талабларга тўла жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, товарларимиз билан ички бозорни янада тўлдириш ҳамда уларни экспортга чиқаришни мақсад қилганмиз.

Мадина УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Суратларда: *корхона фаолиятидан лавҳалар.*

А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

✓ Конституция — ҳуқуқ, қадр, шаън

ОИЛА ТИНЧ БЎЛСА, ЮРТ ТИНЧ БЎЛАДИ

Мустақиллик даврида оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари ва юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини оширишга давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида белгилаб олинди. Бу борадаги ислоҳотларнинг асосий мақсади оилаларнинг ижтимоий шаклланиши ва соғлом ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат бўлди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида боби «Оила» деб номланди.

Бош қомусимизнинг XIV бобида жамиятнинг асосий бўғини саналмиш оила, оналик ва болалик жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги қайд этилди. Унда ҳеч қайси давлат конституцияларида учрамайдиган, ўзлигимизга хос хусусиятлардан келиб чиқиб, ота-оналар фарзандлари вояга етгунгача боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, ўз навбатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилиши конституциявий мажбурият сифатида белгиланди.

2-бет >

✓ Замондошларимиз ҳақида ҳикоялар

ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ

Ҳазрат Алишер Навоий беш аср илгари «Хамса» достонини ёзишга киришган пайтида андиша билан «Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа урмоқ», дея хамсачилик анъанасини бошлаб берган озар шоири Низомий Ганжавийга ўз ҳурмат-эҳтиромини изҳор этган эдилар. Адабиёт бўстонида беш бебаҳо ҳайкал қўйиб, туркий тилда биринчи бўлиб умрбоқий «Хамса» яратган Навоий ҳазратлари мана беш аср ўтиб, Низомий юрти — қардош Озарбойжон Республикаси пойтахти Боку шаҳрига очиқ чеҳра билан қучоқ очиб кириб бордилар.

4-бет >

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

2008 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Сенат Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенат Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисини шу йил 4 декабрда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунларини киритиш режалаштирилмоқда: «Амнистия актини қўллаш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида», «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Адвокатура институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида». Шу билан бирга «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида», «Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига таллуқли Факультатив баённомага (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида», «Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига таллуқли Факультатив баённомага (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида», «Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенцияга (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунлар ҳам кўриб чиқилади.

Шу билан бир қаторда сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор хорижий мамлакатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш тўғрисидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига таллуқли бир қатор бошқа масалаларни киритиш ҳам назарда тутилмоқда.

Кенгаш Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн олтинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштиришни Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова зиммасига юклади.

Кенгаш мажлисида сенаторлар, манфаатдор идора ва ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

✓ Фракция фаолияти

НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС

ишончли ҳимоя қилинади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Мазкур лойиҳа юзасидан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Боймурод Юсупов маруза қилди.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг минг йиллик тарихий, маданий ва маънавий меросини, моддий ҳамда номоддий ёдгорликлар, қадриятлар, ўлмас бойликни тиклаш, муҳофаза қилиш борасида том маънода тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Номоддий маданий меросни асраш, ўрганиш ва ривожлантиришни рағбатлантириш тизими яратилди.

Ҳозирги вақтда ЮНЕСКОнинг оғзаки ва моддий маданий мерос дурдоналари рўйхатига Ўзбекистон номоддий маданий меросининг 2 та намунаси — Бойсун тумани маданий мероси (2001 йил) ва Шашмақом мусиқа анъаналари (2003 йил) киритилган.

«Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Қонун 2007 йил 13 декабрда кучга кирди. Бу Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади.

Муҳокамадаги қонун лойиҳасида номоддий маданий мерос объектларининг талқини билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар таклиф этилмоқда. Халқаро конвенцияга мувофиқ миллий номоддий маданий мерос объектларини инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш билан боғлиқ қўшимчалар таклиф этилмоқда.

2-бет >

✓ ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

ЕТАКЧИНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН

Катта жамоаларда меҳнат қилиб одамлар ҳурматига сазовор бўлиш, кўпчиликнинг эътиборини қозониш осон эмас. Оҳангарон туман Марказий шифохонаси бош врачи ўринбосари Анорбой Алимқулов ана шундай эҳтиромга сазовор бўлган инсонлардан. У ўзининг чуқур билими, тажрибаси ва касбий маҳорати билан 800 кишилик жамоада ўз ўрнига эга. Шунинг учун бўлса керак, Анорбой Алимқулов етакчилик қилаётган Марказий шифохона бошланғич партия ташкилоти кейинги йилларда туман соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, эзгу ишларни амалга оширишда намуна кўрсатиб келмоқда. Унинг атрофида бирлашган тиббиёт ходимлари янгича ишлаш, янгича фикрлаш ва янгича яшаш шиори остида меҳнат қилмоқдалар.

Сўнгги йилларда партия аъзоларининг бевосита иштирокида тумандаги Санам, Куюн, Увак, Гулобод, Илғор, Қорахитой каби қишлоқлар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ҳудудларда замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қурилди. Улар барча талабларга жавоб берадиган тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати яхшиланди.

Анорбой Алимқулов партия аъзолари ва электорат вакилларининг сиёсий билимини ошириш, касб маҳоратини такомиллаштириш мақсадида улар билан долзарб мавзуларда давра суҳбатлари, учрашув ва савол-жавоб кечалари ташкил қилмоқда. Бу — бошланғич ташкилотда партия сафини мустаҳкамлаш, янги аъзоларни қабул қилишга жиддий эътибор берилаётганини кўрсатади. БПТ етакчиси ва унинг атрофидаги фаоллар, тарғиботчи ва ташвиқотчиларнинг саъй-ҳаракати, кўплаб тиббиёт ходимларининг кўнглига йўл топа билиши, партиянинг электорат манфаатларидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларини тушунтира олиши натижасида Ўзбекистон ХДП тарафдорлари, хайрихоҳлари кўпаймоқда. ХДП аъзолари, хайрихоҳлар билан ишлаш такомиллашмоқда.

Маълумки, Оҳангарон ҳудуди жиҳатдан Тошкент вилоятида энг катта туман ҳисобланади. Тумандаги тиббиёт муассасалари бир-биридан узоқда жойлашган. Шунга қарамай, партия етакчиси барчадан хабар олиб, улар билан олдинда турган вазифалар, амалга оширилаётган ишлар юзасидан суҳбатлар уюштиради. Партия аъзоларини эзгу мақсадлар сари ҳаракат қилишга чорлайди.

Гулрўҳ ОДАШБОЕВА

БУГУНГИ СОНДА:

• «ЭГАРИГА БЕШИК ЎНГАРГАН АРҒУМОҚ»
«Мустақиллик, асрагайман сени то абад!» туркумидан — 2

• ИНВЕСТИЦИЯ — ИҚТИСОДИЁТДА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ
ёхуд хорижий сармоялар жалб қилишга бўлган эътибор ва бу борада Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ишлар хусусида — 3

• ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ
— Бокудан қайтишдан олдин Навоий ҳайкали билан хайрлашгани бордим... — 4

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС

ишончли ҳимоя қилинади

Маданий мерос объектларини давлат томонидан муҳофаза қилиш, бу борада жамоатчилик иштирокини қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш деганда, илмий ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш назарда тутилаяпти. Маданий мерос объектини қайта тиклаш чора-тадбирлари билан боғлиқ янги қоидалар қўшимча қилинмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши миллий қонунчилигимизни Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳужжатларга уйғунлаштириш, иккинчидан эса номоддий маданий мерос объектларини аниқлаштириш, уларни муҳофаза қилиш ва фойдаланишнинг қонуний асосларини яратади.

Йиғилишда Қонунчилик палатаси муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилаётган — «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», ҳамда «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Солиқ кодексининг айрим нормаларини такомиллаштириш ва уларга аниқлик киритиш ҳамда кодекснинг тўғридан-тўғри амал қилишини тўлиқ таъминлаш мақсадида айрим Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаяпти.

Фракцияда шунингдек, «Амнистия актини қўллаш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳалар юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари Фахриддин Ражабов, Абдил Тўхташевлар маъруза қилдилар.

Муҳокама этилган барча қонун лойиҳалари юзасидан қонун ташаббускорлари, ижодкорлари, соҳа мутахассислари ва экспертларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари, маърузалари тингланди, ҳамда улар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Беҳзод ШУКУРОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзХДП аъзоси Илҳом Комилов Шофиркон туманининг чўл ҳудуди — Мингчинорда мўл-кўл пахта, дон етиштириш билан бирга халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ҳам жазм қилди. У Тезгузардаги ташландиқ бинони хусусийлаштириб олиб, мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

ҚИШЛОҚ МЕБЕЛЛАРИ

ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Бунинг учун дастлаб у банкдан 10 миллион сўм имтиёзли кредит олди. 13 нафар қишлоқдош йигитларни тошкентлик усталарга шогирдликка юборди. Улар мебелсозлик сир-асрорларини ўрганиб қайтишди. Ҳозир ўн турдан зиёд харидоргир мебеллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олдилар. «Исломбобо-2000» тамғаси остида тайёрланаётган бир-биридан чиройли ётоқхона ва ошхона мебеллар тўплами, диван-кресло, стол-стул, хонтахта, шифонер сингари жиҳозлар хорижникидан қолишаётгани йўқ.

— Банкдан яна 50 миллион сўм кредит олиб, цехимизни хориж технологияси асосида кенгайтириш ниятидамиз, — дейди у. — Келажакда миллий каштачилик цехини ҳам йўлга қўйиб, маҳсулотларимизни экспортга чиқариш мақсадимиз бор. Шунда яна 15 нафар маҳаллий қиз-жувонлар янги иш ўринларига эга бўлишади.

Даврон БАҲРОНОВ

Суратларда: цех мебелларидан намуналар; Илҳом Комилов мижоз билан.

ОИЛА ТИНЧ БЎЛСА, ЮРТ ТИНЧ БЎЛАДИ

Оилага оид конституциявий асослар кейинчалик Оила кодексида ривожлантирилиб, унда никоҳ, қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш, ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила аъзолари ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солишга оид қоидалар белгилаб қўйилди.

Шунингдек, мазкур соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 15 та қарори, ўнга яқин идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда оила манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу соҳада етарлича қонунчилик асослари яратилди. 1998 йил — «Оила йили» деб эълон қилингани оила манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишини ташкил қилаётганини яна бир бор тасдиқлади. Шу маънода 2008 йил — Ёшлар йили оилани мустаҳкамлаш борасидаги ўтган йилларда амалга оширилган ишларни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтаришга, ёш оилалар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Ёшлар йили» Давлат дастурида ёшлар ва оила масаласи энг муҳим, устувор масалалардан бири ҳисобланади. Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида **«Ёшлар йили» дастури ҳақида гапирганда, ёшлар сиёсати масалаларини таҳлил этаётганда, биз ёш оилаларнинг эҳтиёж ва талабларига алоҳида эътибор қаратишимиз керак»,** — дея таъкидладилар. Шунингдек, «Соғлом авлод — халқимиз келажаги» номли асарларида «Биз янги ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни эъзозлашимиз, оёққа туриб олишлари учун уларга давлат томонидан ёрдам кўрсатишимиз лозим. Бу давлатимиз сиёсатининг узвий қисмидир» деб қайд этилган. Чунки, мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 40 фоизини ташкил этишини эътиборга оладиган бўлсак, мамлакатимизда бўлажак ёш оилаларни ҳаётга тайёрлаш ҳамда юртимиздаги жами оилаларнинг 16 фоизини ташкил қилувчи ёш оилаларнинг барқарор фаолият юритиши учун улкан ишларни амалга ошириш лозимлигини тўлароқ тушуниб етамиз.

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асарларида **«...ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим»** дея алоҳида урғу берганликлари ҳам бежиз эмас. Шу маънода айтиш мумкинки, оила — халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир. Оила — жамиятнинг кичик бўғини, соғлом ва баркамол авлодни камолга етказувчи табаррук маскан ҳисобланади. Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида, оила бешигида шаклланади.

Шу боис ёшларимизга оила қуриш нақадар муҳим ва масъулиятли эканини англатиш, соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, оилалар мустаҳкамлигини ва манфаатларини таъминлаш, соғлом фарзанд ўстириш, тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бунинг исботи ўлароқ «Ёшлар йили» Давлат дастурида амалдаги норматив-ҳуқуқий базани, унинг ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида инвентаризациядан ўтказиш, никоҳдан ўтувчи ёшларнинг тиббий кўрик билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, ҳар бир вилоят марказида «Ёш оила» марказларини ташкил этиш, республиканинг ҳар бир туманида (шаҳрида) камида 20 та кам таъминланган оиланинг тўйлари ва оилавий тантаналарини ўтказишга кўмаклашиш, ёш оилалар учун кичик ёшдаги болаларни парвариш қилиш ва тарбиялаш ва тарбияси оғирроқ, ёшлар гуруҳлари билан ишлаш бўйича қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этиш, республика минтақаларида ёш оилалар учун тўрт қаватли, ҳар бири 32 хонадонли бўлган 67 та уй, шунингдек, Андижон шаҳрида замонавий «Бахт уйи» қуриш белгилаб қўйилди.

Ўн олти йил аввал қабул қилинган ва барчамизнинг ҳуқуқий суянчимиз ва таянчимиз бўлган Конституциямизнинг шарофати билан мамлакатимизда оила институтини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар, қонуний негизлар тўла шакллантирилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом оиланинг дунёга келиши юрт ва миллат тақдирига дахлдор масаладир. Зеро, доно халқимиз айтганидек, «Оила тинч бўлса, юрт тинч бўлади». Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, турмуш фаровон бўлади.

Ўктамхон ҚОДИРОВА,
ҳуқуқшунос

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ ЎзХДП ташаббуси билан

ҚАҲРАМОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Хоразм вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тингловчилари Ўзбекистон Қаҳрамонлари — Хивадаги 20-сон Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак ва Гурлан туманидаги 5-мактаб директори Анора Маҳмудова билан учрашдилар.

Институт проректори Зулхумор Матқулиева Вера Пак ҳамда Анора Маҳмудованинг ҳаёт йўли, педагогик ва ижтимоий фаолияти, ёш ўқитувчиларга ўрнак бўлгувчи фазилатлари тўғрисида гапириб берди.

А.Маҳмудова ўз сўзида узоқ йиллардан бери ардоқлаб келаётган касби ва педагогик фаолияти, ўзи раҳбарлик қилаётган мактаб мисолида республикамизда таълим соҳасини ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, касбдошлари эришаётган ютуқларга тўхталди.

В.Пак мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва таълимни ривожлантиришга қаратилган умуммиллий дастурларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши натижасида таълим соҳасида амалга оширилган ишлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларининг билим олиши, касб эгаллаши учун яратилаётган шароитлар тўғрисида батафсил фикр юритди. Шунингдек, у Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатида қонунларнинг қабул қилиниш жараёни ҳамда уларнинг жойларда бажарилиши юзасидан ўтказилаётган мониторинг масалаларига тўхталди.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши раиси Раимберган Сабуров партия ташкилотлари томонидан партиямиз электорати бўлган педагоглар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар тўғрисида гапириб берди.

— Бундай учрашувлар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотади, — дейди институт бўлим бошлиғи Сўпажон Хўжамуротова. — Бугун улар устоз педагоглар, ўз ишининг фидойилари, талабчан ва меҳрибон раҳбарлар билан учрашдилар. Уларнинг ҳаёт ва меҳнат йўли билан танишдилар, ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларига жавоб олдилар. Ушбу мароқли тадбир вилоятнинг турли ҳудудларидан келган ўқитувчиларда ўз касбига меҳр, ҳурматни янада кучайтирди, деб ўйлайман.

(Ўз мухбиримиз)

✓ ЎзХДП фаоллари

ОҚСОҚОЛ УЧУН ЗАРУР ФАЗИЛАТ

Маҳмуджон Толиповни Марғилоннинг «Маориф» маҳалласида яшовчи 6357 нафар аҳоли яхши билади. Бири ака, бири ука деб ҳурмат қилади. Чунки салкам саккиз йилдан буён у маҳалланинг иссиғига ҳам, совуғига ҳам аралашиб, шодлигу ташвишига шерик. Бирон бир тадбир унинг маслаҳати ёки иштирокисиз ўтмайди. Саксон-тўқсондан ошган нуронийлар: «Раҳматли отаси Муҳаммаджоннинг тарбиясини хў-ўп олган экан-да», деб қўядилар. У табиатан очиқ кўнгил, ҳалол, тўғрисўз, ташкилотчи ва меҳнаткаш. Илгари Маҳмуджон турли ташкилотларда раҳбар бўлиб ишлаган. Ҳозир маҳалла оқсоқоли.

Унинг ташаббуси билан маҳаллада кўп яхши ишлар амалга оширилди. Гузар ободлашди, кўчаларга янгидан асфальт ётқизилди. Коммунал тўловлар борасида намунали тизим шакланди. Энг муҳими, маҳалла аҳли ўз раисига ишонади, у айтган сўз, бошлаган ҳаракат ортидан эргашади.

— Шаҳримиздаги 54 маҳалла фуқаролар йиғини раислари орасида партиямиз аъзолари анча, — дейди ХДП Марғилон шаҳар кенгаши раиси М.Эгамбердиев. — М.Толипов шуларнинг бири, у ҳудудий партия ташкилот раиси ҳам.

— Менимча, электоратнинг фикрини доимий ўрганиб бориш, аҳолининг мамлакатда рўй бераётган ўзгаришларга муносабатини шакллантириш ҳар бир бошланғич ташкилотимизнинг муҳим вазифаси бўлиши лозим, — дейди М.Толипов. — Бу албатта, партия фаолларидан маҳаллаларда кўпроқ учрашувлар ўтказиш, дастур ва режаларни, қонунчиликда рўй берган ўзгаришларни тарғиб этиш, келгусида қилинадиган амалий ишларни халқ билан маслаҳатлашишни талаб этади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

«ЭГАРИГА БЕШИК ЎНГАРГАН АРҒУМОҚ»

«МУСТАҚИЛЛИК, АСРАГАЙМАН СЕНИ ТО АБАД!» ТУРКУМИДАН

Яқинда метронинг Мустақиллик майдони бекатидан чиқиб, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси ёнидан ўтаётган эдим, ёши ўзим тенги қария галерея олдида ҳангу манг турарди. У менга кўзи тушиб, бироз тикилиб қолгач, сўз қотди:

— Кечирасиз, Сиз Номоз эмасмисиз?

— Ҳа, менман.

— Танимадингиз-а, 70-йиллар бошида ТошДУнинг (ҳозирги ЎзМУ) тарих факультетини тугатганман. Иброҳимжон Ғойибназаровман. Сиз ўшанда журналистика факультетининг битирувчи курсида эдингиз. Талабалар шаҳарчасининг 3-ётоқхонасида турардик...

Ҳол-аҳвол сўрашдик. Иброҳимжон Тошкентга 20 йилдан буён келмагани, қишлоқда ўқитувчилик қилаётгани, серфарзанд, сернабира бўлиб кетгани-ю, турмуши ҳақида ҳикоя қилди. Сўнгра мақсадга кўчди.

— Номозбой, қариганимда қадимий нодир тангалар ҳақида бир рисолача ёзиш нияти туғилди. Илгари мана шу ерда (галерея ўрнини кўрсатди у) Алишер Навоий бобомиз номида катта бир кутубхона бўларди. Ёзмоқчи бўлаётган рисоламга оид манбаларни — адабиётларни талабалик йилларим шу ердан неча бор олиб ўқиганман. Кексайганда хотира бироз сустлашар эканми, кўпи ёдимдан кўтарилибди. Ўша манбаларни яна бир кўриб қўяй деб атай Тошкентга тушсам, кутубхона йўқ.. Ҳозир қаерда у? Тошкент ҳам жуда ўзгариб кетибди...

— Сиз-ку йигирма йилдан сўнг келиб ҳайратга тушаяпсиз, яқин бир-икки йил олдин келиб кетган хорижлик меҳмонлару сайёҳлар ҳам бугун уни танимай қолишяпти...

Мен унга кутубхонага йўлни кўрсатиб, хайр-хуш олдидан маслаҳат ҳам бергандек бўлдим:

— Кутубхонадан излаб келган адабиётларингиз билан танишиб олганингиздан сўнг мана шу галереяга ҳам кириб кетинг. Унда тасвирий санъат асарлари билан бирга ўша сиз қизиққан қадимий ноёб тангаларлар коллекцияси ҳам бор. Мен ҳам ундаги бир кўргазмани томоша қилиб, эрамиздан олдинги V асрдан тортиб, то ўтган асрнинг 20-йилларигача ўзимизда зарб этилган 2000 дан зиёд нодир тангаларни кўрганман...

— Ия, зўр-у, менга кераги ўзи шу... — суюниб қолди у.

...Йўлимда давом этиб, Иброҳимжоннинг ҳайрати ва бўлиб ўтган суҳбатимиз асосида ўзим ҳам мазкур галерея иншоотининг бор-йўғи 14-15 йиллик тарихи ҳақида ўйлай бошладим.

Бундан беш йилча муқаддам айни шу ерда жуда ғариб, 1966 йилги зилзиладан сўнг деворларига темир синчлар қўйилган кўримсизгина бино бўларди. Ана шу ночор иморатда боя Иброҳимжон излаб келган республикамизнинг Бош Китоб жамғармаси — Алишер Навоий номидаги Миллий Кутубхонамиз жойлашганди...

Пойтахт маркази чиройини бузиб турган хароба иморат ўрнида Мустақиллик йиллари чунонам кўркам янги кошона — Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси бунёд этилди.

Эсимда, 1994 йилда Олий Кенгаш (ҳозирги Олий Мажлис)нинг сессияларидан бирида Президентимиз Ислом Каримов тенгсиз миллий бойликларимиз шунча талон-тарож қилингани етар, энди уларни асраб-авайлашимиз керак дея, бу борада ўз таклифларини билдирганди. Шундан сўнг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бетакрор бадиий меросимизнинг нодир намуналари ва замонавий тасвирий санъат асарларимизни тўплаб, уларни тарғиб этишга, жаҳон маданияти дурдоналари қаторидан ўрин олишига кўмаклашиш учун кенг кўламли фаолият бошлади. Ўша йилнинг кузида Миллий банк қошида Картиналар галереяси вужудга келди. Унинг коллекциясида 300 га яқин мумтоз ва нафис санъат намуналари йиғилди. Кўп ўтмай улар сони 1000 тадан ошди. Айни пайтда бу ерда академик Эдвард Ртвеладзе раҳбарлигида нумизматика — ноёб тангалар бўлими ҳам изчил иш бошлади.

Ушбу ноёб асарлар, тангалар ва тасвирий санъат жавоҳирларидан иборат маънавий хазинамизни асраб-авайлаш, уларни халқимизга бор моҳияти билан етказиш муҳим аҳамиятга эга эди. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз пойтахтида муҳташам ва муаззам Санъат саройи барпо этишга киришилди. Мазкур сарой чинакам санъат кошонаси бўлиши ва у Бош майдонимиз кўркига монанд чирой бағишлаб туриши лозимлиги таъкидланди. Жумладан, у жаҳондаги нуфузли музейларнинг энг афзал жиҳатларини ўзида мужассам этиши учун миллий меъморий анъаналаримиз асосида қурилиши керак эди.

Шундай бўлди ҳам. Иншоот ўзига хос бетакрор қиёфа билан қад кўтарди. Таъбир жоиз бўлса, наинки, ички маҳобати ва мазмун-моҳияти, балки ташқи жозибаси билан ҳам одамни ром этгулик қиёфа касб этди. Зеро, унинг кўриниши, шаклу шамойили, кўпдан-кўп заллари ва уларнинг шарқона, миллий безатилиши устида узоқ, чуқур, пухта изланган мутахассисларимиз Россия, Германия, Италия, Буюк Британия, Америка сингари мамлакатларнинг машҳур галереяларини бориб кўришди, улардаги ибратли жиҳатларни ўрганишди, Шарқ ва Ғарб тажрибасини уйғунлаштириш йўлларини қидиришди. Лойиҳа тайёр бўлгач, Президентимиз томонидан кўриб чиқилиб, унга жиддий ўзгаришлар киритилди, амалий мулоҳазалар билдирилди, бир сўз билан айтганда, лойиҳа янада бойитилди. Ҳатто шундан кейин ҳам давлатимиз раҳбари лойиҳа бўйича қайта-қайта таклифлар билдирди. Яна ишланди, такомиллаштирилди.

2004 йил. Мустақиллигимизнинг 13 йиллик байрами арафаси. Кўркам ва муҳташам обиданинг тантанали тақдимот маросими бўлди.

Меҳмонлар аввал улуғвор эшикдан ичкарига кириб, баҳаво Марказий залнинг маҳобатидан ҳайратга тушдилар. Мовий гумбаздаги тилла суви юритилган турфа безаклар ва жилоланиб турган улкан биллур қандил барчани ўзига ром этди. Тўрт томонда сернақш деворлар, оёқ остида тошлар сарвари-мармар тўшамалар, икки қанотда юқорига ўрлаб кетган қаймоқранг зиналар, бири-биридан бежирим кўргазма заллари... (Икки қаватли кошонанинг кўргазма заллари 15 та, экспозиция майдони 3,5 минг квадрат метр... кино-маъруза заллари, студия, кафетерий, бадиий салон...) Ҳамма-ҳаммаси ўзи бир санъат... Нафислик, орасталик... Чинакам санъат оламига кириб қолгандексиз...

Ёдимда, ўшанда тақдимот иштирокчиларидан бири, шоиртабиатлироқ бўлса керак, эгарига бешик ўнгарилган ва қир-адир оша елдек учиб бораётган арғумоқ тасвири туширилган картина олдида туриб, қалбида туғён урган завқини яширолмай деди:

— Эзгуликни, келажакни олиб учаётган тулпор... Ҳа-а, жонивор уч, уч, елдек уч...

— Зўр экан-а! — дедим унга ҳамоҳанг.

— Зўр! — деди у ҳам менга юзланиб ва давом этди: — Галереянинг ўзини ҳам мана шу учқур тулпорга қиёслаш мумкин. Тулпор янги туғилган гўдакка эзгулик ва келажак рамзи — бешик олиб учаяпти. Галерея эса санъатни, маданиятни, маърифатни, маънавиятни ардоқловчи инсонларга ва келажак авлодларга бебаҳо миллий жавоҳирларни етказаяпти. Бу ерга энди ой сайин нафосатга ошуфта юзлаб ёшлар, зиёлилар, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар киради...

✧✧✧

Яқинда Иброҳимжондан хат олдим. У ёзибди: «Ўшанда маслаҳатингиз билан аввал кутубхонада, кейин галереяда бўлдим. Ўша ўзим излаган тангаларни ҳам кўрдим, маълумотларни кўчириб олдим. Энди рисолам тўлақонли китоб бўлишига ишонаман. Нашрдан чиққач, насиб этса, сизга эсдалик учун бир донасини ўзим олиб бориб бераман...»

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

✓ Бугуннинг гапи

ИНВЕСТИЦИЯ — ИҚТИСОДИЁТДА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ

ёхуд хорижий сармоялар жалб қилишга бўлган эътибор ва бу борада Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ишлар хусусида

Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш — ҳукуматимиз юритаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор вазифаларидан бири. Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда чет эл сармоясининг келиш суръати катта ижобий натижалар бермоқда. Шу йилнинг биринчи чорагидаёқ, унинг миқдори республикамиз бўйича саккиз баравар ошди. Бу — мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар юзага келишига, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, уларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги ортиши ва экспорт ҳажми кўпайишига қулай имкон яратди. Зеро, бугунги кунда мамлакатимизга ташриф буюраётган чет эллик ҳамкорлар ўзларига кўрсатилаётган хизматларнинг халқаро стандартларга жавоб бераётганлигини, самарали инфратузилмалар яратилганлигини ва инвестициялар ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлигини қониқиш билан эътироф ҳам этмоқдалар.

Дарвоқе, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, шунингдек, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар, «Қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда ўз устав капиталларини (жамғармаларини) шакллантирмаган, чет эл инвестициялари қатнашган корхоналардан солиқларни ундириш тартиби тўғрисида»ги Низом, Солиқ ва божхона кодекслари инвесторлар ва инвестицияларга кенг кўламли имкониятлар яратди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 майда тасдиқланган «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини олинг. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар қонун ҳужжатларида белгиланган барча умумий солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялардан, шунингдек, қонун ҳужжатларида (шу жумладан инвестиция шартномаларида, маҳсулот тақдимотига оид битимларда) назарда тутилган тартибга ва шартларга қатъий риоя қилинган ҳолда берилган қўшимча имтиёзлар ва преференциялардан тўла ҳажмда фойдаландилар.

Қарорда Ҳукумат қарорлари билан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилган қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳамда муддатсиз тусдаги барча имтиёзлар ўша йилнинг 1 июнидан бошлаб бекор қилинди.

Мамлакатимизда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳимоясини таъминлаш мақсадида изчил тизим яратилиб, давлат органларининг асосий вазифаларидан бири — хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳимоясини таъминлаш эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларига хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган. Шунга кўра, Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга даъво аризалари киритилиб, айрим корхоналарнинг бузилган ҳуқуқлари эндиликда тикланмоқда.

Бошқарма томонидан хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 2008 йилнинг 9 ойи давомида хўжалик судларига жами 124 та — 614.305.000 сўмлик даъво аризалари киритилди. Шунингдек, тегишли идораларга бажарилиши мажбурий бўлган 14 та тақдимнома, 183 та огоҳнома ҳамда 3 та кўрсатма берилди. Жумладан, Бухоро шаҳрида фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Зиёбахш Уни Трайдинг» қўшма корхонасида мониторинг ўтказилганда, вилоят давлат солиқ бошқармаси 2007 йилда ўтказган текшириши давомида қўшма корхона томонидан 2003-2004 йилларда солиқ тўловлари тўлиқ тўланмаганлиги аниқланиб, 2003 йилда 5051.5 минг сўм ва 2004 йилда 14091.3 минг сўм — жами 19142.8 минг сўм пеня ҳисобланган.

Ваҳоланки, қўшма корхонанинг 2004 йил 24 декабрдаги 155-сонли мурожаатига асосан, Бухоро шаҳар солиқ инспекцияси қўшма корхона томонидан 2003 йилда 13 фоиз ва 2004 йилда 12 фоиз тўланган ягона солиқ тўловини ортиқча деб топиб, қайта ҳисоблаб, ундирилган солиқларни қўшма корхонанинг кейинги тўловлари учун ўтказган.

Ушбу боқиманда қарзлар қўшма корхона ходимлари айби билан содир этилмаган, балки қайта ҳисоб-китобни амалга оширган Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимларининг айби билан вужудга келганлиги сабабли, қўшма корхона манфаатлари кўзланиб, 2008 йилнинг 27 май куни Бухоро вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Хўжалик судининг 2008 йил 22 июлдаги ҳал қилув қарори билан Бухоро вилоят адлия бошқармасининг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилиб, Бухоро шаҳар давлат солиқ инеспекцияси томонидан ноқонуний ундирилган 19142.8 минг сўмлик маблағ қўшма корхонанинг кейинги солиқ тўловларига ўтказилди.

Вилоят адлия бошқармаси фаолият кўрсатмаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни тугатиш ёки фаолиятини тиклаш мақсадида уларга амалий ёрдам бериш учун йилнинг ҳар чораги якуни бўйича Давлат солиқ ва статистика идоралари билан ҳамкорликда фаолият юритмаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бўйича мунтазам қиёсий (таққослов) ишлар олиб бормоқда. Шунингдек, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бошқармада «Ишонч телефон»лари йўлга қўйилган, уларга масъул ходимлар бириктирилган.

Бундан ташқари, бошқармада фаолият юритмаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолият кўрсатмаслиги сабабларини ўрганиш юзасидан вилоят ҳокимлиги, вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳамда Марказий банк бош бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилиши лозим бўлган мониторинг дастури ишлаб чиқилиб, уларнинг олиб борилиши кенг йўлга қўйилди.

Биз бундан кейин ҳам хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳимоясини таъминлашга жиддий эътибор қаратамиз. Зеро, инвестиция — иқтисодиётда барқарор тараққиёт дегани.

Отабек ЎРУНОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғи.

« »

Наманган шаҳридаги «Истиқбол пойабзал савдо» кичик корхонаси ишлаб чиқараётган пойабзаллар ўзининг харидорлиги билан ажралиб туради. 35 киши меҳнат қилаётган ушбу жамоа ташкил этилганига атиги икки йил бўлганига қарамай, ўзининг сифатли маҳсулотлари билан тезда танилди. Муҳаммадали Расулов етакчилик қилаётган ушбу кичик корхонада эркаклар, аёллар ва болаларнинг ихчам ва қулай пойабзаллари «Амир» савдо белгиси остида тайёрланмоқда. Ана шундай бежирим маҳсулотларга талаб катта. Шу сабабли уларни сотиш учун «Соҳибқирон» ва Навоий кўчасида фирма дўконлари очилган.



Суратда: *маҳсулот сифатидан корхона раҳбари М.Расуловнинг кўнгли тўқ.*

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

«ЯНГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ — ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР МЕВАСИ»

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан мазкур мавзуда ташкил этилган кўргазмали семинарда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидан икки мингга яқин тадбиркорлик субъектлари вакиллари, бухгалтерлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманни қўмита раиси Б.Парпиев бошқарди. Маърузада янги Солиқ кодекси солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи барча меъёр ва қоидаларни мужассамлаштирган ҳужжат сифатида амалиётда катта қулайликлар яратгани алоҳида таъкидланди. Зеро, давлатимиз раҳбари Солиқ кодексини янада такомиллаштириш юзасидан соҳа вакиллари олдига муттасил долзарб вазифалар қўймоқда.

Бугунги кунда Кодекс юзасидан кенг мониторинг юритилиб, унинг самарадорлиги чуқур таҳлиллардан ўтказилмоқда. Давлат Солиқ қўмитасининг малакали мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи унинг нормаларини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни изчил ўрганиб чиқмоқда. Масалан, Кодексни тарғиб этиш юзасидан жорий йилнинг ўтган ўн ойида уч мингта яқин тадбир ўтказилиб, 239 минг нафар солиқ тўловчи фаол иштирок этди. Жорий этилган янгиликларнинг хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятига таъсирини ўрганиш мақсадида 23 мингта яқин йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, бош ҳисобчилари билан сўровлар ўтказилди.

Анжуман иштирокчилари ушбу мавзу бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

(Ўз мухбиримиз)

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ноширлик фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг 2008 йил 12 ноябрдаги 08-13-81-сон баённига биноан:

Ўзбекистон Республикасининг «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддаси, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг «Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом»нинг V бўлим 25-банди, VI бўлим 28-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси муассислигидаги «Адабиёт жамғармаси» жамоат жамғармасининг нашриётига 2003 йил 19 ноябрда берилган AI034-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилган, деб ҳисоблансин.

XORIJDA

ҚАРОҚЧИЛАР БИЛАН МУЗОКАРА

Кения соҳиллари яқинида Сомали қароқчилари томонидан қўлга олинган Саудия Арабистонига тегишли «Сириус Стар» супер танкининг соҳиби қароқчилар билан музокараларни бошлади, деб хабар қилади АП агентлиги. Дубайда жойлашган Vela International Marine Ltd компанияси вакилларининг айтишича, кема ва унинг 25 кишилик жамоасини озод этиш шартларини муҳокама этиш учун музокарачилар танланган. Маълум бўлишича, кема 100 миллион доллар қийматидаги салкам икки миллион баррель нефтни олиб кетаётганди. «Сириус Стар» сомалилик қароқчилар томонидан қўлга туширилган энг катта кемадир. Баъзи хабарларга қараганда, қароқчилар кемани ўзларининг асосий макони бўлмиш Сомалининг шарқий соҳилидаги Эйл портига олиб бориш ниятида. Халқаро денгиз бюроси (IMB)нинг маълумотлари бўйича жорий йил бошидан буён сомалилик қароқчилар 83 кемага ҳужум қилиб, 33 тасини қўлга олган. Ҳозирги пайтда 11 кема ва салкам 200 киши қароқчилар қўлида қолмоқда.

НАМОЙИШНИ ТАРҚАТИШ ЧОҒИДА

Чехиядаги Литвинов шаҳрида полиция ва ўта ўнглар партияси тарафдорлари ўртасида рўй берган тўқнашувда 14 киши яраланган. Ишчи партияси уюштирган митинг қатнашчилари олдиндан келишилган йўналишни ўзгартириб, лўлилар яшаётган даҳа орқали ўтишга уринган чоғда полиция куч ишлатишга мажбур бўлган. Маъмурлар маълумотларига қараганда, митингда 500 га яқин киши қатнашган. Улар қўлга тушган нарсаларни полициячиларга қарата улоқтиришган. Полиция машиналаридан бири ёндириб юборилган. Бунга жавобан полиция кўздан ёш оқизувчи газни қўллаган. Расмий маълумотлар бўйича ҳар иккала томондан еттидан киши яраланган.

ЯРМИДАН КАМРОҒИ ОЧИЛГАН

Англия ва Уэльсда йил мобайнида содир этилган оғир жиноятларнинг ярмидан камроғи очилган, дея хабар қилади «The Daily Telegraph» газетаси. 2007-2008 йил мобайнида рўйхатга олинган 961188 оғир жиноятдан бор-йўғи 49 фоизи очилган. Британия мухолифати вакилларининг ҳисоблашича, ички ишлар вазирлиги оғир жиноятларни атайин инкор этмоқда. Уларнинг фикрича, вазирлик очилган ишларнинг умумий фоизини кўтариш мақсадида полициячиларни жўн ишлар билан шуғулланишга мажбур этаяпти. Ҳолбуки, лейбористларнинг ҳокимият тепасига келгунига қадар оғир жиноятларни очиш даражаси салкам 75 фоизни ташкил қиларди. Бундан ташқари жиноятлар очилиши улушининг пасайишига терговнинг ҳаддан зиёд бюрократлашиб кетганлиги ҳам сабаб бўлаётганлиги айтилмоқда.

САМОЛЁТЛАР ТЎҚНАШУВИ

Австралиянинг «Qantas» авиакомпаниясига тегишли икки самолёт Мельбурн остонасидаги Авалон аэропортида бир-бирига тўқнашиб кетган. Икки «Боинг» техник хизмат кўрсатиш базаси яқинидаги майдонда текширишга олиб кетилаётган чоғда тўқнашган. Йўловчилар бўлмаган. Тўқнашув оқибатида улардан бирининг бурун қисми шикастланган, иккинчисининг қаноти эзилган. Авиакомпания ҳаво кемаларига етказилган зарарни аниқламоқда. Қизиғи шундаки, улардан бири охирги ойларда иккинчи марта кўнгилсиз ҳолатга учраган. 25 июлда парвоз чоғида кемадаги кислородли баллон портлаши оқибатида унга зиён етганди...

БАҒРИКЕНГЛИК — МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ

Кеча Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Халқаро бағрикенглик кунига бағишлаб «Бағрикенглик — маданият меъёри ва манавий қадрият» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. У Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида ташкил этилди.

Маълумки, бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотувликда яшаб, меҳнат қилишмоқда. Энг муҳими, уларнинг тили, дини, урф-одати ва анъаналарининг ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шу мақсадда юртимизнинг барча вилоят, туман ва шаҳарларида миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда.

Халқаро бағрикенглик куни тарихи ҳақида тўхталадиган бўлсак, 1995 йилнинг 16 ноябрида ЮНЕСКО томонидан Бағрикенглик тамойиллари декларацияси қабул қилинди. 1996 йилдан буён эса бу кун бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам Халқаро бағрикенглик куни сифатида нишонланмоқда.

Тадбир давомида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, юридик фанлари доктори Акмал Саидов, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази раиси, академик Раъно Убайдуллаева ва бошқалар сўзга чиқиб, юртимиздаги диний, миллатлараро бағрикенглик ҳақида сўз юритишди.

Маъмуржон МАҲМУД

✓ Иқтисодиёт ва ислоҳот

ҲАМ ИШОНЧ, ҲАМ ЭЪТИРОФ ҚОЗОНАЁТГАН БАНК

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жабҳасида ва ҳисоб-китоблар жараёнида турмушимизни банк ва уларнинг хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис ҳам Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан бу соҳани тубдан ислоҳ қилиш, банклар ўртасида рақобат муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки соғлом рақобат тараққиётга хизмат қилади. Бундан аҳоли ҳам, мамлакат иқтисодиёти ҳам катта наф кўради. Қолаверса, банк мижоз учун ишласагина ютади, халқ хўжалигининг барча жабҳаларига дадиллик билан кириб бора олади. Бугунги кунда республикамизда ўнлаб иқтисодий бақувват банклар фаолият юритмоқда. Улар орасида Давлат-тижорат Халқ банкининг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Буни банкнинг кўплаб мижозлари эътироф этишмоқда.

— Мен Халқ банки Қарши шаҳар амалиёт бўлими мижозиман, — дейди «Қашқадарё тижорат савдо» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Неъмат Аҳмедов. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 апрелдаги қарорига кўра, шу йил 3-6 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг 3-Халқаро «Ўзбекистон Агроминитех — 2008» савдо кўргазмасида иштирок этдим. Россияда ишлаб чиқарилган нон ишлаб чиқариш линиясини сотиб олишга қарор қилиб, шартнома ҳам туздим. Ана шу технологияни сотиб олиш учун Халқ банки Қарши шаҳар амалиёт бўлимидан 150 млн. сўм кредит олдим.

— ***Ишлар юришиб кетдими, маҳсулот сифати қандай? Харидорлар кўнгли тўлаяптими? — сўраймиз ундан.***

— Нон ишлаб чиқариш цехини май ойининг охиридаёқ ишга тушириб юбордик. Ҳар 45 дақиқада 360 дона нон пиширяпмиз. Бизда икки сменали иш ташкил этилган. Шу вақт ичида 7200 дона нон тайёрланяпти. Цех ҳафтасига олти кун ишлашини ҳисобга олсак, ойига 24 иш куни бўлади. Демак, ойига 172800 дона нон ишлаб чиқарилади. Энг муҳими, ноннинг таннархи арзон бўлмоқда. Яъни бир дона нон таннархи 155 сўмга тушгани ҳолда уни савдо тармоқларига 195,3 сўмдан етказиб беряпмиз. Маҳсулот сифатли ва арзон бўлганлиги боис харидорлар ҳам бисёр. Яна бир муҳим жиҳати ўн нафар янги ишчи ўринлари ҳам яратдик. Олинган кредит фоизларини ўз вақтида тўлаб боряпмиз.

Халқ банки Қашқадарё вилоят филиали фаолиятидан Қарши шаҳар амалиёт бўлимининг яна бир мижози «DAVR GOLD SERVICE» МЧЖ раҳбари Йўлдош Асадов ҳам мамнун. У шу йилнинг куз фасли бошларида банкка ойнали стол-стул ишлаб чиқариш цехини ташкил этиш тўғрисидаги лойиҳани тақдим этганди. Банк эса ушбу 95,6 млн. сўмлик кредит лойиҳасини 11 октябрдаёқ молиявий жиҳатдан таъминлаб берди. Бунинг эвазига хорижда ишлаб чиқарилган замонавий ускуна ва линиялар олиб келиниб ўрнатилди. Маҳсулот тайёрлаш муваффақиятли бошлаб юборилди. Натижада маҳаллада иш излаб юрган олти нафар ёшлар иш билан таъминланди.

Бошқарма фаолиятига боғлиқ бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ўтган йил ва шу йилнинг ўтган ўн ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Кичик бизнес субъектларининг намунавий лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида узоқ муддатли кредит ажратилди. Бу маблағлар эвазига юзлаб янги ишчи ўринлари яратилди. Хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва кўрсатган хизматлари эвазига ўз даромадларини ошириб боришди.

2008 йилнинг ўтган 10 ойи давомида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 144 та кичик бизнес субъектларига 1 млрд. 300 млн. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилган бўлиб, ушбу кредитлар эвазига 1247 та янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 325 та тадбиркорга 413,1 млн. сўмга яқин кредитлар ажратилди.

Ҳеч кимга сир эмаски, кам даромадли оилаларни чорва моллари билан таъминлаш уларнинг аҳволини яхшилашнинг муҳим омили бўлмоқда. Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони нафақат қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолининг ночор қатламлари учун манфаатли бўлди, балки умуман юртимизда чорвачиликни янада ривожлантиришга хизмат қиламуносиб ҳисса қўшмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун 1 млрд. 48 млн. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар берилганлиги фикримизнинг амалдаги исботидир.

Аҳолининг нақд пулга бўлган талабини қондириш, иш ҳақи ва пенсияларни ўз вақтида тўлашни амалга ошириш бўйича банкнинг вилоят филиали ҳамда унинг туман (шаҳар) филиалларининг бевосита молиявий кўмаги асосида вилоятнинг турли қишлоқ жойларида 36 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди.

Жумладан, Қарши шаҳрида, Ғузор, Деҳқонобод, Нишон, Муборак туманларида иккитадан, Косон, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб туманларида учтадан, Қамашида олтита, Бешкент ва Миришкор туманларида биттадан савдо шохобчалари ишга туширилди. Ана шу савдо шохобчаларини саккиз турдаги меъёрий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун банкнинг туман (шаҳар) филиаллари томонидан 80 млн. сўмдан ортиқ қисқа муддатли кредитлар берилди.

Мухтасар айтганда, Халқ банкининг Қашқадарё вилоят филиали том маънода оила банкига айланиб бормоқда. Бу борадаги самарали ишлар қўламини банкнинг вилоят филиали янги 2009 йилда янада кенгайтиришни режалаштирган.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

BANK XALQ BANKI

✓ Спорт

ЎН ТЎРТ ЁШЛИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Италиянинг Жесоло шаҳрида шарқона яккакурашнинг шотакан каратэ-до тури бўйича 20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Дунёнинг 58 мамлакатидан иштирок этган ёш спортчилар ўртасидаги мусобақада саккиз нафар каратэчи мамлакатимиз шаънини ҳимоя қилди. Улар орасида Денов туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Салоҳиддин Тоғаев ҳам бор. 45 кг. вазнда мусобақаларда иштирок этган Салоҳиддин барча рақибларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони бўлди.

— Спорт соғлиқ гарови бўлиши баробарида мамлакатни дунёга танитишда ҳам муҳим ўрин тутади, — дейди мураббий Абдурасул Хўжамиёров. — Истиқлол шарофати билан вилоят марказидан 200 километр олисда Шарқ яккакураши клуби ташкил этгандик. Бугунда кўплаб қишлоқ ёшлари шу даргоҳда жисмоний чиниқиб, ўзлари ёқтирган спорт турлари билан шуғулланишаётир. Шогирдимиз Салоҳиддин Тоғаевнинг жаҳон чемпиони бўлиши эса барчани қувонтирди. Келгусидаги асосий мақсадимиз соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб, янада кўплаб иқтидорли ёшларни тарбиялашдир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Хайрия акцияси

«БИЗ — ОРОЛ БОЛАЛАРИГА» ЭКОФЕСТИВАЛИ

Маълумки, Оролнинг қуриши ҳамда денгиз ҳавзасида вужудга келган мураккаб экологик вазиятнинг оқибатларини юмшатиш борасида Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё давлатлари, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида бир қатор лойиҳалар, дастурлар амалга оширилянти.

Бинобарин, бевосита Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг 11-12 март кунлари Тошкентда **«Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари»** мавзуида конференция бўлиб ўтган эди. Анжуманда вужудга келган ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Оролбўйи минтақасида иқлим ўзгариши оқибатларини камайтиришга йўналтирилган хорижий донорларга тақдим этилган лойиҳалар қаторига «Экосан» саломатлик поезди» лойиҳаси ҳам киритилганди.

Яқинда ушбу лойиҳа доирасида Тошкент давлат циркида «Биз — Орол болаларига!» хайрия экофестивали ўтказилди. Унда талабалар, академик лицей ўқувчилари, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат 2500 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашди. Цирк фойесида ўқувчиларнинг «Орол — болалар нигоҳида» расмлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Фестивалда мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар, шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон миллий университети вакиллари «Биз — Орол болаларига!» шиори остида давом эттириладиган хайрия акцияларида фаол иштирок этиш ташаббуси билан чиқдилар.

Сардор ЙЎЛДОШЕВ,
ТАТУ қошидаги 2-академик лицей 1-босқич ўқувчиси, «Экосан» Ёшлар клуби аъзоси.

БИР ЙЎЛА УЧ ЧАҚАЛОҚ

Бухоролик Анвар Мавлонов ва Шаҳзода Ғофуровалар бир йўла уч ўғилли бўлишди. Шаҳар туғуруқхонасида дунёга келган чақалоқлар ва уларнинг онаси саломатлиги кўнгилдагидек.

— Уч нафар қизимнинг қувончини айтмайсизми, — дейди бахтиёр она Шаҳзода Ғофурова. — Улар уч ўғлонни еру кўкка ишонишмайди.

(Ўз мухбиримиз)

ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ

Жалолиддин Миртожиев 1954 йил 15 февралда Тошкентда туғилган. 11 ёшидан ҳайкалтарошлик санъатига қизиқиб қолган. Беньков номидаги рассомчилик билим юрти (1971) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини (1977) тугатган. Андижон бадиий ишлаб чиқариш корхонасида ишлаган (1979-1995). Ўзбекистон Бадиий академияси ҳайкалтарошлик шўъбаси бошлиғи (1997-2005), раис ўринбосари (2005 йилдан). Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1993, Андижон), Абдулла Қодирий (1994, Тошкент), Абдурауф Фитрат (1996-97, Бухоро), Абдулҳамид Чўлпон (1997, Андижон), Алишер Навоий (2002, Москва; 2004, Токио; 2007, Вашингтон, АҚШ Конгресси кутубхонаси), Камолиддин Беҳзод (2003, Чан-Чун, Хитой), Мирзо Улуғбек (2004, Рига), Абу Али ибн Сино (2006, Рига), Абу Райҳон Беруний (2006,Тошкент), Аҳмад Фарғоний (2007, Қоҳира) каби буюк аждодларимиз ҳайкалларини яратган.

Қардош ўзбек ва озар халқларини боғлаган томирлар жуда ҳам теран. Бу томирлар XXI асрда янада мустаҳкамланиб бораяпти. 2004 йилда Юртбошимиз таклифига биноан Озарбойжон Президенти Илҳом Алиевнинг мамлакатимизга келиши, икки давлат ўртасида ҳамкорлик шартномаларининг имзоланиши ва ташриф доирасида пойтахтимизнинг кўркам майдонида озар халқининг буюк шоири Низомий ҳайкалининг очилиши икки қардош халқни янада яқинлаштирди. Ўша вақтдаёқ Озарбойжон вакиллари Бокуда Алишер Навоий ҳайкалини қўйиш таклифини киритишди. Бу таклифни ҳукуматимиз мамнуният билан қабул қилди.

Бокуда бунёд этиладиган майдонга монументал санъат асарини яратиш Ўзбекистон халқ рассоми Жалолиддин (Равшан) Миртожиев зиммасига юклатилди. Шу йилнинг 12 сентябрида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжонга расмий ташрифи доирасида Бокуда Алишер Навоий ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлди.

— Жалолиддин Турсунович, Бокудаги тантанали маросимлар бўлганига ҳам бирмунча вақт ўтди. Ўша ҳаяжонли лаҳзаларда хаёлингиздан нималар кечди?

— Икки давлат раҳбарлари, ижод аҳли, адабиёт ва санъат мухлислари иштирокида бўлган тантанали маросимдаги ҳаяжонларимни сўз билан ифодалай олмасам керак. Озарбойжон Президенти маросимни очар экан, юртимизнинг маънавий ва иқтисодий юксалишига, ўзига хос тараққиёт йўлидан оғишмай бораётганлигига ҳавас билан қарашини айтганида, дилимда ифтихор ҳиссини туйдим. Ҳайкалнинг очилиш чоғида барча қатнашчилар чеҳрасида самимиятни кўрганда ниҳоятда тўлқинланиб кетдим.

— Албатта, халқимизнинг буюк мутафаккири сиймосини яратиш осон иш эмас. Сиз ҳайкални яратиш жараёнида нималарга эътибор қаратдингиз, кимларнинг маслаҳатига амал қилдингиз?

— Бу ҳайкални яратишга ўзгача ҳаяжон билан киришдим. Негаки, бу ҳайкал Навоий бобомиз ўзига устоз санаган Низомий юртига қўйилар эди. Қардошларимиз, озар халқи Низомийни қандай эъзозлашса, Навоийни ҳам шундай эъзозлашади. Хаёлимда Москва ва Токиодаги Навоий ҳайкаллари гавдаланди. Навоий ҳақидаги китобларни, асарларини қайта-қайта варақладим. Тасаввуримда пайдо бўлган ҳайкал тасвирларини қоғозга чиздим. Улардан энг маъқулини — шоирнинг ўйга чўмиб ўтирган ҳолатини ҳайкал макети шаклига келтирдим. Юртбошимиз ҳайкал макетини диққат билан кўздан кечириб, Навоий тимсолини озар юртига очиқ чеҳра, қучоқ ёзиб бораётган ҳолда тасвирлашни маслаҳат бердилар. Мен ўша кездагина ҳайкал қандай бўлиши кераклигини кўз олдимга келтирдим.

— Монументал санъатда жой ўрни муҳим аҳамиятга эга. Бокуда бўлиб, ҳайкал қўйиладиган жой ўрнини ҳисобга олгандирсиз?

— Бокуга бир неча марта бориб, шаҳар раҳбарлари, ҳамкасбларим билан майдон ҳақида фикрлашдик. Ҳайкал учун пойтахтнинг обод бўлиб бораётган даҳасидан кўп қаватли уйлар ва дарахтлар билан ўралган майдон танланди.

— Озарбойжондан қайтиб келдингиз, кўз нурингиз, меҳрингиз сингган ҳайкал Бокуда қолди...

— Бокудан қайтишдан олдин Навоий ҳайкали билан хайрлашгани бордим. Айни шом пайти. Одамлар гавжум экан. Барча ҳайкалга меҳр билан тикиларди. Узоқдан қараганда, Навоий бобомиз дийдор учун чиққан озар халқига қучоқ ёзиб турарди. Мен шундагина Президентимиз нима учун ҳайкал супасини пастроқ қилиш лозимлигини таъкидлаганини тушундим. Шундай ҳолатда Навоий бобомиз халқ орасида адабиёт ва санъат мухлислари билан суҳбатлашаётгандек эди. Озарбойжонлик ҳамкасбим майдондаги кишиларга менинг ҳайкал муаллифи эканимни айтиши билан олқиш янгради, барча мени бағрига босиб табриклашга интилди. Озар халқи Навоий бобомиз ҳайкалини мамнуният билан қабул қилишгандан кўнглим яна ҳам кўтарилди.

Бокудаги аксарият ҳайкалларнинг супаси баланд, ҳайкаллар маҳобатли. Алишер Навоий ҳайкалининг супаси эса 170 см., ҳайкал баландлиги 4,5 метр. Бу шоир ҳайкалини халққа яқинлаштирган.

Бокудаги Алишер Навоий ҳайкали

— Сиз яратган Алишер Навоий ҳайкаллари бошқа мамлакатларга ҳам қўйилган. Уларда буюк шоиримизни қандай тасвирлагансиз?

— Москвадаги ҳайкалда «Қуш тили» («Лисон ут-тайр») достонини ёзиб тугатган шоирнинг лирик кайфиятини тасвирлашга уринганман. Шоир ҳайкалининг чап қўлида қўлёзма, ўнг томонидаги бутада бир жуфт булбул қўнган. Ҳайкал супасига шоирнинг «Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ, Ёр ўлинг бир-бирингизкаки эрур ёрлиғ иш», деган пурмаъно байти рус ва ўзбек тилларида ёзиб қўйилган. Токиодаги ҳайкални мутафаккир шоир ва донишманд вазир сифатида тасвирлашга ҳаракат қилганман. Бу ҳайкал супасига ҳам шоирнинг пурмаъно байти япон, ўзбек ва инглиз тилларида ёзилган. Вашингтондаги АҚШ Конгресси кутубхонасига қўйилган ҳайкалда шоирнинг маърифат элчиси эканига эътиборимни қаратганман.

— Чет элларда буюк шоиримизга қўйилган ҳайкаллар тўғрисида гапираётганингизда бир фикр хаёлимдан ўтди: Сиз бундан йигирма-йигирма беш йил илгари юртимизда монументал санъат шундай ривожланишини кўз олдингиз келтира олармидингиз?

— Юртимизда монументал санъат фақат Истиқлол туфайли, Президентимизнинг ғамхўрликлари туфайли ривожланганини биз ҳайкалтарошлар барча давраларда фахр-ифтихор билан таъкидлаймиз. Илгари бундай миллий қадриятларимизга мос ёдгорлик мажмуалари ва ҳайкалларни биз ҳайкалтарошлар ҳам хаёлимизга келтира олмасдик. Биргина мисол: институтни тугатиш арафасида диплом ишим учун Мирзо Улуғбек ҳайкалини тайёрладим. Шунинг ўзи учун менга қанча таъна сўзлари айтилганди. Ҳозир пойтахтимиздагина эмас, вилоят ва туман марказларида ҳам ўзлигимизга хос ёдгорлик мажмуалари ва буюк аждодларимизга ҳайкаллар бунёд этилди. Шуни қувонч билан айтишни истардим, ўнга яқин ривожланган давлатларнинг обод майдонларида буюк аждодларимизга ҳайкаллар қўйилди. Ўзингиз айтинг, бундан минг йиллар олдин Нил дарёсига Аҳмад Фарғоний бобомиз қурган иншоот майдонига эндиликда унинг ўзига ҳайкал қўйишимизни Истиқлолга эришмаганимизда амалга ошира олармидик!

— Ҳайкалтарош сифатида монументал санъатнинг аҳамияти ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Монументал санъат биз-нинг миллий маданияти юксак, узоқ тарихга эга халқ, буюк алломалар авлоди эканимизни яққол намойиш этадиган санъат туридир. Ёдгорлик мажмуасида бўлган, ҳайкал қошида турган кишининг хаёлидан қандай эзгу ўйлар кечмайди дейсиз? Мен Амир Темур хиёбони яқинида ишлайман. Кечки пайт ишдан қайтаётганимда хиёбондаги кишиларнинг, чет эллик сайёҳларнинг Амир Темур бобомиз ҳайкалига тикилиб туришганини, ҳайкал супасидаги «Куч—адолатдадур» деган ҳикматли сўзларни ўқишаётганини кўраман. Улар уйга қайтишганда, албатта, бой тарихимизни ўрганишга киришишади. Хуллас, монументал санъат жуда катта тарғибот, тарбия воситасидир.

— Сизни кўпчилик Равшан дейишади, асл исмингиз эса Жалолиддин...

— Бобом Жалолиддин Мангуберди қаҳрамонликлари ёзилган китобларни севиб ўқиб, тўнғич ўғил набирасига унинг исмини қўйишни ният қилиб юрганлар. Туғилганимдан кейин ўзлари бориб шу номни ҳужжатлаштириб келиб, хурсандчилигини бувимга айтганлар. Бувим халқ достонларимиздаги Равшан исмини қўймоқчи бўлган эканлар. Ўз сўзида турган бувим мени барчага Равшан деб таништирган. Ўзим ҳам Жалолиддин эканлигимни паспорт олаётган вақтимда билганман. Нима бўлганда ҳам бобом ва бувимнинг эзгу ниятлари исмларимда яшаётганидан хурсандман. Гап болалик ҳақида кетганда айтишим керак, 4-синфда ўқиб юрган вақтимда расм ўқитувчимиз Нелла Михайловнанинг педагогика институтига биринчи устозим Абдумўмин Бойматов ҳузурларига олиб борганини яхши эслайман. Отаонам битта хонани ҳайкалтарошлик билан шуғулланиш учун ажратиб беришганди. Энди-энди тушунаяпман, ота-онам менга қандай меҳрибонлик кўрсатишганини?! Институтдаги устозим Толиб Қосимовнинг сабоқларини унутиб бўладими? Мен шундай қалблари эзгуликка тўла кишиларнинг меҳнатлари туфайли ҳайкалтарош бўлиб улғайдим. Шукурки, шу касбим билан халқимиз хизматини қилаётганимдан бахтиёрман.

Суҳбатдош:
Асрор МЎМИН

✓ Тадбир

ЯНГИ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Дарслик яратиш ҳар доим ҳам энг муҳим масалалардан бири бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Ўзкитобсавдо» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган **«Умумтаълим мактаблари учун кейинги ўқув йилига мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси»**нинг очилиш маросимида ҳам шу ҳақда сўз борди. Унда китобнинг аҳамияти, мамлакатимизда бу соҳада олиб борилаётган туб ислоҳотлар, ёшларга яратилаётган имкониятлар борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Мустақиллик йилларида матбаа маҳсулотларининг сифатини халқаро талаблар даражасига етказиш, ўқув адабиётлари ва дарсликларнинг савиясини янада кўтаришга жиддий эътибор берилмоқда, — дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош муҳаррири Муҳиддин Омон. — Давр руҳи, қадим қадрият ва анъаналаримиз асосида шаклланган бой тарихий меросимизни ўзида акс эттирган дарсликларимизнинг янги авлоди шаклланди. Бу борада ҳукуматимиз томонидан тегишли тавсиялар берилиб, соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, Президентимизнинг **«Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Қарори сўзимизнинг исботидир. Унга мувофиқ, мана уч йилдирки, ноябрь-декабрь ойларида барча вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳрида умумтаълим мактаблари учун кейинги ўқув йилига мўлжалланган дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси ташкил этилмоқда.

Учинчи бор ўтказилаётган кўргазмага республикамизнинг кўзга кўринган нашриётлари томонидан чоп этилган ўқув дарсликлар, ҳуқуқий-сиёсий, бадиий адабиётлар ва плакатлар тақдим этилган. Хусусан, Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Ғафур Ғулом, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари ҳамда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётлари 167 номдаги 1862 та дарслик, 44 номдаги 603 дона турли мавзудаги адабиёт ва плакатлар билан иштирок этишмоқда.

— Булардан кўзланган асосий мақсад — жойлардаги мавжуд ҳолат билан яқиндан танишиш, дарсликларнинг янги авлодини яратиш борасида мутахассис-педагоглар фикрларини ўрганишдан иборатдир, — дейди «Ўзкитобсавдо» ДАК етакчи мутахассиси Насиба Ниёзметова. — Кўргазмада очиқ савдога чиқарилмаган ўқув дарсликлари бўйича ҳам буюртмалар олиниб, нашриётлар нашр режаларига зарурий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади.

Кўргазма доирасида нашриётларда чоп этилган янги китобларнинг тақдимот маросимлари, муаллифлар, адиб ва шоирлар, олим ва мутахассисларнинг китобхонлар билан учрашувлари уюштирилади.

Эслатиб ўтамиз, кўргазма-ярмарка юртимиз бўйлаб бир ой давом этиб, дарслик ва ўқув адабиётларининг очиқ савдоси ҳам ташкил этилади.

Жасур ҲУСАНОВ

✓ Жиноятга жазо муқаррар

«Термиз — Тошкент» йўналишида ҳаракатланаётган «Икарус» (давлат рақами 11 АР-920) автобуси кўздан кечирилганда унинг юкхона ҳамда салонида 1940 донадан ортиқ қоракўл тери тўртта қопга жойлаштирилган экан.

ХУФИЁНА РЕЖА

БАРБОД БЎЛДИ

Сурхондарё вилоят молия бошқармасининг товар моддий бойликларни баҳолаш комиссияси мутахассислари хулосалари бўйича бу нодир териларнинг бир донаси маҳаллий бозорда 13 минг 330 сўм туради.

...Ҳайдовчи ёнидаги Х.Сафаров ва П.Ҳасановларнинг айтишича 1110 дона терини уларга афғонистонлик Нажибулло Ҳазратуддин юборган эмиш.

Маълум бўлишича, шу йил сентябрь охирида П.Ҳасанов афғонистонлик Нажибулло Ҳазратуддин билан «тери бизнеси» тўғрисида келишиб олишган. Ўзаро маслаҳатга кўра, бу моддий бойликлар вақтинча П.Ҳасановнинг хонадонида сақланиб, кейинроқ Тошкентга жўнатиш режалаштирилган. Нажибулло ҳамюрти афғонистонлик Қудратга бу таклифни етказади. Пухта ўйланган режага мувофиқ, терифурушларга кузнинг ўрталарида Афғонистондан яна тери келади.

2008 йилнинг 7 октябрь ойи П.Ҳасанов ва Х.Сафаровларнинг ўзаро келишувига асосан, 1110 дона қоракўл тери жойлаштирилган тўртта қоп Термиз автовокзалига келтирилган. Терифуруш шериклар шу ерда учрашишади. Юклар автобусга юкланади.

Ҳамюртимиз С.Абдуллаев жорий йилнинг октябрь ойи охирида Афғонистон фуқароси Муҳаммад Довуд Муҳаммад ва бошқалар билан Афғонистондан яна 830 дона қоракўл териларини божхона қоидаларига зид равишда мамлакатимиз ҳудудига олиб келади. Режага мувофиқ, Тошкентга етказилиши мўлжалланган 830 дона тери ҳам «Икарус»га юкланади. Лекин хуфиёна режа барбод бўлди. Энди эса «тери бизнеси» иштирокчилари қонун олдида жавоб беришади.

(Ўз мухбиримиз)

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7955 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.50.
Topshirilgan vaqti — 21.50
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda